

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИОН ИНФРАТУЗИЛМАСИННИГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.

Улуғбеков Сардорбек Улуғбекович

Бухоро инновациялар университети “Молиявий технологиялар, иқтисодиёт ва логистика” кафедраси ўқитувчиси

Холбекова Фарангиз Ғуломжон қизи

*Бухоро инновациялар университети
Инновацион таълим ва иқтисодиёт факултети
I-босқич талабаси*

Аннотация: Миллий иқтисодиётда инновацион инфратузилмани шакллантириши ва ривожлантириши иқтисодий ўсишининг янги қўринишларини шакллантиришида муҳим аҳамиятга эга. Инновацион инфратузилма — бу илмий, техник ва ташкилий-инфраструктур элементларнинг мажмуасидан ташкил топган тизим бўлиб, бу ўз навбатида янги технологияларни жорий қилиш, ишилаб чиқариши самарадорлигини ошириши, иқтисодиётни диверсификациялаш ва ривожлантиришига хизмат қиласи. Инновацион инфратузилманинг шаклланиши ва ривожланниши учун мутлақо янги технологик ва тадқиқотлар йўналишиларини аниқлаши, шунингдек, давлат сиёсатини мувофиқлаштириши ва инвестицияларни жалб қилиш муҳимдир. Бу жараёнда университетлар, тадқиқот марказлари, корхоналар, молия ва таълим ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги муҳим ўрин тутади. Инновацион инфратузилманинг ривожланниши мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва глобал рақобатбардошликни оширишига хизмат қиласи.

Калит сўзлар: Инновацион ривожланниши, инновацион муҳит, миллий инновацион тизим, инновацион салоҳият, интеллектуал ресурслар, инновацион инфратузилма, ишилаб чиқариши-технологик инфратузилма, технопарклар, бизнес-инкубаторлар, кластер, молиявий инфратузилма, технологиялар трансфери

Миллий инновацион тизимнинг муҳим таркибий қисми, илмий-тадқиқот натижаларини тижорат нуқтаи назаридан жозибадор маҳсулотларга айлантиришга (ИТТКИ натижаларини тижоратлаштириш) ёрдам берадиган институт ва ташкилотлардан иборат бўлган инновацион инфратузилма бўлиб ҳисобланади. Бундай инфратузилманинг мавжудлиги дунёning барча ривожланган мамлакатларида миллий инновацион тизимларни шакллантиришнинг энг муҳим тамойилларидан бири ҳисобланади. Инновацион инфратузилма - турли ресурсларни қўлга киритиш имконини берувчи ва инновацион жараён иштирокчиларига инновацион маҳсулотларни яратиш, уларни бозорга олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатувчи барча қуи тизимларнинг мажмуидир. Инновацион инфратузилманинг алоҳида вазифаси кичик инновацион корхоналарни қўллаб-қувватлашдан иборатdir.

Инновацион инфратузилманинг қўйидаги қўйи тизимларини алоҳида ажратиб кўрсатишимиш мумкин:

1. Ишлаб чиқариш-технологик инфратузилма.
2. Молиявий инфратузилма.
3. Эксперт-маслаҳат инфратузилмаси.

Ҳар бир қўйи тизимнинг институт ва ташкилотлари мажмуи қўйида ифода эттирилган.

1.Ишлаб чиқариш-технологик инфратузилма

- Технопарклар (илмий парклар);
- Инновацион-технологик марказлар (ИТМ);
- Бизнес-инкубаторлар;
- Технологиялар трансфери маркази (ТТМ);
- Инновацион-саноат комплекслари;
- Инновацион-саноат кластерлари;
- Алоҳида иқтисодий ҳудудлар.

2. Молиявий инфратузилма

- Турли фонdlар (бюджет, венчур, сугурта, инвестицион);
- Хусусий инвесторлар;
- Фонд бозори.

3.Эксперт-маслаҳат ва ахборот инфратузилмаси

- Умумий ва ихтисослашган тавсифдаги консалтинг марказлари (молия, инвестициялар, маркетинг, бошқарув ва хоказо);
- Хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар (стандартлаштириш, сертификатлаш, интеллектуал мулкни муҳофазалаш);
- Ахборот-таҳлил марказлари, интернет-ресурслар.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, инновацияларни ишлаб чиқариш соҳасида нафақат йирик йирик корпорациялар, балки кичик инновацион фирмалар ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар. Йирик компанияларнинг бир томондан, кенг қўламли илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишга етарлича маблағлари мавжуд бўлса, иккинчи томондан улар жаҳон бозоридаги шиддатли ракобат курашида ютқазиб қўймаслик учун ҳам илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлашга мажбурдирлар. Одатда, кичик инновацион фирмалар тадқиқот марказлари ва университетлар атрофида шаклланадилар ва улар тижорат мақсадларида янги билимлардан фойдаланишади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, республикамизда дунёning тараққий этган мамлакатлари билан таққослагандаги ИТТКИ натижаларини олиш ва уларни тижоратлаштириш масалаларида катта тафовут мавжуд. Келгуси амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар учун мустаҳкам асос яратилади. Мамлакатимизда инновацион тараққиёт йўлида тўсиқ бўлаётган омилларига ИТТКИ мутахассисларининг бозор талабларига анъанавий тарзда эътиборсиз муносабатда бўлишлари, молиялаштириш механизmlарининг эскирганлиги, илмий-муҳандислик ишларини ташкил қилишининг ҳануз эскича қолипда эканлиги, эски

типдаги идораларнинг устун мавқега эга бўлиб қолаётганилиги кабиларни киритишмиз мумкин. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш-технологик ва ахборот инфратузилмали етарлича ривожланмаган, тижоратлаштириш учун зарур бўлган лицензиялаш, сертификатлаш ва патентлаш жараёнлари ортиқча бюрократлаштириб юборилган. Шу муносабат билан, Ўзбекистонда юқори технологияли бизнес ва технологияларни тижоратлаштириш соҳасида ишламоқчи бўлган хорижий мутахассислар биринчи навбатда қўйидаги тўсиқларга эътибор беришади:

- малакали менежерларнинг етишмаслиги;
- маҳаллий компанияларда коррупциянинг мавжудлиги ва уларда шаффофлик даражасининг пастлиги;
- юқори технологияли маҳсулотларни импорт ва экспорт қилишга тўсиқ бўлувчи божхона тартиби;
- инфратузилма тармоқлари ривожланиш даражасининг талаб даражасида эмаслиги.

Буларнинг барчаси, бугунги кунда инновацион иқтисодиётга ўтиш йўлидан бораётган республикамиз учун хос бўлган эски маъмурий-буйруқбозлик тизимининг ва бозор иқтисодиётига хос бўлган янги инновацион тизимнинг элементларини ўзида мужассам этган ўтиш типдаги инновацион тизимнинг амалда эканлигидан далолат беради. Мамлакатимизда миллий инновацион тизимни шакллантириш, инновацион жараёнларнинг тўла-тўкис амалга ошишини таъминлаш учун зарурий шарт-шароитларни яратиш борасида сўнгти йилларда тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Технопарк

Технопарк (илмий парк) – Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра битта ёки бир нечта Олий таълим муассаси (ОТМ) билан ёки илмий марказлар, корхоналар, маҳаллий бошқарув органлари билан яқин хамкорлик алоқаларига эга бўлган юридик мақомдаги ташкилот бўлиб ҳисобланади. Технопарк ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, юқори технологияли бизнесни жадал тараққий эттириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳисобига Республикамиз ва маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмининг ўсишига олиб келади. Технопарклар фаолиятини йўлга қўйиш ва уларни ривожлантириш маҳаллий ҳокимият органларининг доимий қўллаб-қувватлашисиз амалга ошиши қийин кечади.

Ушбу тузилмаларни яратишдан кўзланган асосий мақсад инновацион соҳада ўз бизнесини бошловчиларни қўллаб-қувватлаш борасида инновацион муҳитни шакллантиришдан иборатdir. Мазкур тузилмалар фаолиятининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- инновацион технологияларни яратиш ва уларни тижорат асосида ўзлаштириш учун компаниялар ва тадбиркорларни рағбатлантириш;
- кичик ва ўрта инновацион компанияларнинг мустақил тарзда фаолият юритишлари ва ривожланишларини қўллаб-қувватлаш;

• мамлакат ва минтақаларни ушбу маҳсулотга бўлган эҳтиёжларини тўлақонли қондириш мақсадида, бозорларга илмий-техник маҳсулотларни чиқариш.

Бугунги кунда мамлакатимизда технопарклар фаолиятини ташкил этиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги Фармони билан ташкил этилган Инновацион ривожлантириш вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилдаги “Тошкент шаҳрининг Яшнобод ва Олмазор туманларида технопарклар ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорида Тошкент шаҳрининг Олмазор ва Яшнобод туманларида инновацион жараёнларни ташкил этишнинг энг илғор шаклларидан бири сифатида технопарклар фаолиятини йўлга қўйишга алоҳида урғу берилган.

Бизнес-инкубаторлар

Бизнес инкубатор- бу кичик корхоналарни бошланғич фаолиятини янада ривожлантириш учун барча қулай шарт-шароитлар яратиб берувчи ва унга қатор мажмуали хизматлар ва ресурслар тавсия этувчи ташкилот бўлиб ҳисобланади. Технополисларнинг кўп тармоқли фаолияти давлат иштироқида фундаментал ва амалий лойиҳаларни шакллантириш ва амалга оширишга асосланади. Бундай мажмуали хизматларга корхоналарга бино ва иншоатларни имтиёзли шартлар асосида бериш, алоқа воситалари, офис ускуналари, оргтехника ва шу каби зарур жиҳозлар билан таъминлаш кабиларни ажратиб қўрсатишимиз мумкин. Қўллаб-қувватлашнинг муҳим таркибий қисмларидан бири-бу кичик бизнесни ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлган референтлик, бухгалтерлик, ҳуқуқий, таълим ва консалтинг хизматларини қўрсатишдан борат. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини инновацион тараққиётга йўналтиришда бизнес-инкубаторларнинг аҳамияти ҳар қаҷонгидан ҳам ошиб бормоқда.

Баъзи ҳолларда, бизнес-инкубаторлар маҳаллий бозорларга чиқиши учун тадбиркорларга лизингга асбоб-ускуналар олишга, иш фаолиятини йўлга қўйиш учун кредит маблағлари олишга ёрдам беради. Шундай қилиб, тадбиркорнинг асосий вазифаси - маҳсулот ёки хизматлар ишлаб чиқаришни бошлаш ва бозорга кириб боришдан иборатdir, бу борада мавжуд муаммоларни ҳал этишга бизнес-инкубатор жамоаси (маъмурият, эксперtlар, маслаҳатчилар) ёрдам беради.

Шу боис, бизнес-инкубатор бир неча муҳим хусусиятларга эга бўлиши талаб этилади:

1) Худудда янгидан ташкил этилаётган корхоналарининг талабларига жавоб берувчи, ҳар қандай бизнесни қўллаб-қувватлаш учун кенг қамровли дастурларга эга бўлиш;

2) Бизнес-инкубатор раҳбарияти янгидан ташкил этилаётган корхоналарни қўллаб-қувватлаш кўнікма ва тажрибаларга эга бўлиши лозим;

3) Ёрдамга муҳтоҷ ва қўллаб-қувватлаш дастурларида иштирок этиш орқали максимал фойда олиш истагига эга бўлган компанияларни танлаб олиш талаб этилади.

Кейинчалик, компания инкубаторни тарқ этар экан, инкубаторнинг бино ва иншоотларини, асбоб-ускуналарини инкубаторга қайтаради ва ўзи мустақил корхона сифатида фаолият кўрсата бошлади. Бу вақтга келиб, улар мустақил фаолият кўрсатиш, маслаҳатчиларни ёллаш, молиявий манбаларни излаб топиш ёки ўз эҳтиёжлари учун бино ва иншоотларни ижарага олиш учун етарли бўлган ички ресурсларни шакллантира олиши лозим. Одатда, бизнес-инкубаторларда тадбиркорлик лойихаларини амалга ошириш учун 10-20 тагача тармоқ ва соҳаларда фаолият кўрсатувчи кичик корхоналар бирлашадилар. Бизнес-инкубаторлар тадбиркорларга турли хизматлар билан бир қаторда, бизнес юритишнинг турли масалалари бўйича маслаҳат берадилар ва худуддаги иқтисодий вазият бўйича таҳлилий ахборотлар тақдим этадилар ва консалтинг хизматлари кўрсатадилар. Бизнес-инкубаторлар тадбиркорларнинг ижара тўловлари, инкубатордан мустақил ажralиб чиққан ва бугунги қунда муваффақиятли фаолият кўрсатаётган корхоналар фойдаси (сотиш ҳажми) дан ажратилаётган улушлардан, ўқув юртлари, саноат корхоналарининг маблағлари ва венчур капитал ҳисобига фаолият кўрсатади. Шундай қилиб, инкубатор бюрократик тўсиқларни бартараф этишга, фирмаларни тегишли воситалар ва ускуналар билан таъминлашга ёрдам беради. Инкубаторлар иқтисодиёт, илм-фан ва технологиялар ривожида тутган ўрни жиҳатидан технопарклардан фарқ қиласди. Биринчидан, бизнес- инкубаторлар фақатгина янгидан ташкил этилаётган дастлабки ривожланиш босқичида бўлган компаниялар ёки фирмаларни қўллаб-куватлайдилар. Иккинчидан, улар нафақат, юқори технологиялар соҳасидаги фирмаларни, балки турли тармоқ ва соҳаларга мансуб кичик бизнес субъектларини ҳам қўллаб-куватлайдилар. Учинчидан, инкубаторлар одатда, офис ва бошқа биноларни қуриш учун ер майдонларини ижарага бериш имконига эга эмаслар. Тўртинчидан, бизнес-инкубаторлар фирмаларнинг инкубация даври тугаган фирмаларнинг доимий янгилаб бориш сиёсатини амалга оширадилар. Кўриниб турибдики, бизнес-инкубаторлар биринчи навбатда, кичик бизнесни қўллаб-куватловчи инфратузилманинг таркибий қисми ҳисобланади. Улар автоном тузилма сифатида ҳам фаолият юритишлари ва шунингдек, кичик инновацион тадбиркорликни ривожлантиришнинг дастлабки босқичларида тадбиркорларни қўллаб-куватлаган ҳолда технопарк ёки илмий паркларнинг таркибида ҳам фаолит кўрсатиши мумкин. Автоном инкубаторлар асосан технологик бўлмаган тадбиркорликни қўллаб-куватлашга қаратилган. Технопарк таркибига кирувчи, шунингдек, университет ёки илмий ташкилотларнинг яқинида жойлашган инкубаторлар инновацион кичик корхоналарни қўллаб-куватлашга йўналтирилган бўлиб, улар одатда технологик инкубаторлар ҳам деб, аталади. Технологик бизнес-инкубаторлар фан сифимли ва юқори технологияли бизнес соҳаларида банд бўлган кичик инновацион корхоналарни “ўстириш”, “улгайтириш” ҳисобига юқори технологияли тармоқларни қўллаб-куватлашдан иборат. Технологик бизнес-инкубаторлар, одатда, универси-тетлар ва илмий марказларда яратилгани сабабли билимларни узатишга, уларнинг тижоратлашувига

ёрдам берадилар. Бундан ташқари, улар юқори малакали кадрлар учун иш жойлари яратилишини таъмин этган ҳолда, МИТ кадрларининг мобиллик даражасининг ошишига хизмат қиласди [3].

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида бизнес-инкубаторлар ривожланиб шаклланганлигини кузатиш мумкин. Республикаизда инкубаторлардан иқтисодиётни минтақавий даражада қайта қуриш ва диверсификация қилиш, шунингдек, ҳудудларда янги иш ўринлари яратиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш мақсадида фойдаланила бошланди. Бу бизнес инкубаторлар яратишдан кўзланган асосий мақсадлардан бири эди.

Бугунги кунда мамлакатимизни Ҳаракатлар стратегияси асосида ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тарақкий эттиришда, иқтисодиётда давлатнинг ўрнини қисқартириш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мавқеини мустаҳкамлашда бизнес-инкубаторлар алоҳида аҳамият касб этади. Аммо, бугунги кунда мамлакатимизда бизнес-инкубаторларнинг самарали ривожланишига тўсқинлик қилувчи бир қатор омиллар мавжудлигини эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим. Бундай муаммолар сирасига қўйидагиларни киритишимиз мумкин:

- институционал тузилмаларни тартибга солиш учун зарур бўлган меъёрий-хуқуқий базанинг мавжуд эмаслиги, инкубаторларг хуқуқий мақомининг белгилаб берилмаганлиги;
- бизнес инкубаторларларни молиявий жиҳатдан етарлича қўллаб-қувватланмаслиги;
- турли йўналишлар бўйича инкубаторлар учун кичик корхоналарни танлаш мезонларини шакллантириш ва тегишли хизматлар мажмуини яратиш;
- менежерларнинг етарлича малакага эга эмасликлари ва уларни ўқитиш ва малакасини ошириш учун тузилмаларнинг мавжуд эмаслиги ва бошқалар.

Инновацион-технологик марказлар

Инновацион-технологик марказларни ҳам бизнес-инкубаторлар оиласига киритишимиз мумкин, чунки улар ҳам ҳудди бизнес-инкубаторлар каби фаолият кўрсатадилар ва фан сифими корхоналарни қўллаб-қувватлайдилар.

Инновацион-технологик марказларнинг энг муҳим жиҳати шундан иборатки, улар ўз моҳиятига кўра шаклланган ва бугунги кунда фаолият кўрсатаётган кичик инновацион корхоналарни қўллаб-қувватловчи тузилма ҳисобланади. Уларнинг асосий фаолият йўналишлари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

- фирмаларнинг ташкил этилиши, ўсиши ва ривожланишига қўмаклашиш;
- ҳудудда инновацион фаолиятнинг тараққиётига қўмаклашиш;
- саноат ва тадқиқотчилар ўртасида ҳамкорлик ва кооперацияни йўлга қўйиш;
- ахборот таъминоти соҳасида фан сифими юқори бўлган фирмаларга хизмат кўрсатиш;
- менежмент соҳасида ходимларни тайёрлаш ва ўқитиш;

- фирмалар ўртасида ҳамкорлик ва ахборот алмашинувини йўлга қўйиш учун минтақавий ва халқаро тармоқларни яратиш асосида реал иқтисодий ўсишни жадаллаштириш

Аслида, ИТМ лар бир томондан кичик корхоналар ва илмий- таълим муассасалари ўртасида боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилса, бошқа бир томондан эса, саноат билан илмий муассасаларни боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилади, чунки инновацион-технологик марказлар одатда, корхоналар ёки илмий-ишлаб чиқариш комплекслари қошида ташкил этилади.

Ўзбекистонда инновацион-технологик марказларни яратиш масалаларига сўнгги йилларда катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори⁶ билан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг давлат-хусусий шериклик шартларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида инновацион лойиҳалар-стартапларни ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва ўзлаштириш, инновацион фаолият натижаларини трансфер қилиш ва тижоратлаштиришни амалга оширувчи инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар марказларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди. Мазкур қарор билан инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар марказлари ўз фаолиятини тижорат асосида амалга оширишлари ва ташкил этилган пайтдан бошлаб беш йил муддатга барча турдаги соликларни тўлашдан озод этилишлари белгилаб қўйилди. Юқорида тилга олиб ўтилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори асосида қўйидагилар марказларнинг асосий вазифалари этиб белгилаб берилди:

- ишлаб чиқариш ва хизматларнинг янги ва замонавий турларини яратиш мақсадида худудларнинг салоҳияти ва ресурс базаларини чуқур тадқиқ қилиш;
- инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш мақсадида инновацион менежментни ривожлантириш;
- янги ва талаб юқори бўлган маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқиш бўйича инновацион лойиҳалар-стартапларни, жумладан, хорижда қўллани-ладиган илгор услуг ва технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва ўзлаштириш;
- инновациялар бозорининг маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот (иш, хизмат)лар бозорларини шакллантириш, уларнинг бозор талабларига йўналтирилиши ва мослашиши учун тавсиялар ишлаб чиқиш;

⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. www.lex.uz

- инвесторлар ва инновацион маҳсулот (иш, хизмат)лар истеъмолчиларини қидириб топиш ишларини, жумладан, инновацион инфратузилма субъектлари ўртасида кооперацияни ривожлантириш орқали ташкил этиш;
- инновацион фаолиятни амалга ошириш масалалари бўйича манфаатдор шахсларнинг кенг доирасига маслаҳат бериш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни оммалаштиришга қаратилган реклама ва кўргазма тадбирларини ташкил этиш;
- кўшма инновацион лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, стартаплар ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалигининг устувор тармоқларидағи бошқа шериклар билан инновацион ҳамкорликни ривожлантириш;
- инновацион фаолиятнинг ишлаб чиқилган ва муваффақиятли синовдан ўтказилган натижаларини илгари суриш ва тижоратлаштириш.

Мамлакатимизда инновацион-технологик марказлар фаолияти самарадорлигини амалга ошириш борасида амалга оширилаётган тизимли чора – тадбирлар мамлакатимизни яқин истиқболда инновацион салоҳияти юксак давлатлар қаторидан ўрин олишига замин яратади.

Технологиялар трансфери марказлари

Бугунги кунда мамлакатимизда экспериментал технологиялар трансфери марказлари шакллантирилиб, уларнинг мисолида илмий-техник фаолият натижалари ва технологияларни тижоратлаштиришнинг ташкилий-молиявий механизмлари ишлаб чиқилмоқда. Технологиялар трансфери марказлари, одатда олий ўқув юртларида жойлаштирилди ва ИТТКИлари натижаларининг тижорий қийматини баҳолайдилар, тижоратлаштириш стратегиясини ишлаб чиқадилар, патент олиш учун аризалар берадилар, лойиҳа иштирокчиларининг мулк ҳуқуқларини ҳимоя қиласадилар, олдиндан белгиланган схемага асосан лойиҳа иштирокчилари ўртасида роялтини тақсимлайдилар, интеллектуал мулк, кичик корхоналарни ташкил этиш, инвестициялар жалб қилиш бўйича университет ходимларига маслаҳат хизматларини кўрсатадилар. Технологиялар трансфери марказлари фойда келтирувчи ва ўзини-ўзи қопловчи мрказ сифатида ташкил этилмаган бўлса-да, АҚШ тажрибаси, бундай марказлар ташкил этилганидан бошлаб, 8-10 йил ичida ўзини-ўзи қоплаш имконига эга бўлган марказга айлана олиши мумкинligини кўрсатади. Технологиялар трансфери марказларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлиб, университетнинг таркибий бўлинмаси ёки нотижорат шаклидаги ҳамкорлик ҳисобланади.

Технологиялар трансфери марказларини яратишнинг концептуал ғояси ва мақсади-минтақаларнинг иқтисодий ривожланишини рағбатлантиришдан иборат.

Технологиялар трансферининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- Интеллектуал фаолият натижаларини ҳимоя қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва инновацион фаолиятнинг ilk босқичларидаёқ, интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланишнинг режалаштирилаётган тартибига мувофик,

интеллектуал фаолият натижаларини ҳимоя қилишнинг мақбул шаклларини белгилаб олиш;

2. Давлат стандартлари (ГОСТ 15.011-96) асосида патент тадқиқотларини ўтказиш (хўжалик фаолияти объектларининг ривожланиш тенденциялари ва техник даражасини, уларнинг патентга лаёқатлиигини, рақобатбардошлиигини ва патент соғлигини тадқиқ қилиш);

3. Ўз ичига қўйидаги амалиётларни қамраб олган интеллектуал фаолият натижаларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни амалга ошириш:

- ихтиронинг моҳиятини аниқлаштириш ва шакллантириш борасида интеллектуал фаолият натижалари муаллифлари билан маслаҳатлашиш ва ҳамкорликда ишлаш;
- муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ташкилотлар ва миллий патент идоралари, зарур бўлганда халқаро патент идораларининг талабларига мувофиқ ариза ва керакли ҳужжатларни тайёрлаш;
- интеллектуал фаолият натижалари тўғрисидаги тижорат сирини ва ахборотнинг махфийлигини таъминлаш;
- патент ва бошқа тўловлар, шунингдек муаллифлик гонорарларининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш;
- интеллектуал фаолият натижаларини номоддий актив сифатида (агар керак бўлса, кичик инновацион корхона устав капиталига интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланиш ҳуқуқини киритиш) бюджет ҳисобини юритиш учун таҳлилий ва ахборот материалларини тайёрлаш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5544-сон 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3899-сон 2018 йил 6 августдаги “Илмий ва инновацион фаолиятни интеграция қилиш тизими самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори

3. Раҳматов М.А., Зарипов Б.З. Кластер – интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. // Рисола. –Т.: 2018. “Замин нашр”. -Б. 110.

4. Бунчук М. «Национальные инновационные системы: основные понятия и приложения» (по материалам зарубежных авторов),[хттп://www.geositiес.com/СоллегеПарк/Лаб/5590/нис.хтм](http://www.geositiес.com/СоллегеПарк/Лаб/5590/нис.хтм).

5. Гапоненко В.Ф. Бизнес-инкубаторы в национальной инновационной системе. - М.: Современная экономика и право, 2006.

6. Иванова Н.И. Национальные инновационные системы. - М.: Наука, 2002.

7. Друкер Питер Ф. Бизнес и инновации. - М.: издательский дом«Вильямс»,2007.

8. Иванова Н.И. Национальные инновационные системы. - М.: Наука,2002.

9. Шокирова Ф.Н. Инновациялар асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг айрим назарий жиҳатлари. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2018.

10. Нурумбетов Р. Инновацион салоҳият – замонавий иқтисодиётни ривожлантириш пойдевори. БИЗНЕС-ЭКСПЕРТ. 2017. №5. 46-56 б.